


Аёлини эъзозлаган юрт



Донолар айтганидек, дунёда аёл меҳрининг баҳосини ўлчайдиган меъзон, тенглаштирадиган бойлик йўқ. Аёл деган улуғ хилқатда нозик таъб, буюк қалб, бетакрор фидоийлик, она жасорати мужассамдир.

Қумқўрғон туманида 8-март халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Сурхон саноат қурилиш компанияси томонидан ташкил этилган байрам тадбири ҳам ўзгача шукуҳ, кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтди.

Малика Эгамбердиева, Ситора Омонқулова ва туман маданият бўлимининг санъаткорлари томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.